

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



СамДУ ректори

проф

Р.И.Халмурадов

“ ”

2022 йил

08.00.05- ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРМОҚЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИ
ИХТИСОСЛИГИ БЎЙИЧА ТЯНЧ ДОКТОРАНТУРАГА
КИРИШ СИНОВЛАРИ УЧУН МАХСУС ИХТИСОСЛИК
ФАНЛАРИДАН

ДАСТУР ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Самарқанд-2022 й.

Аннотация:

Дастур 08.00.05- Хизмат күрсатиши тармоқлари иқтисодиёти ихтисослигига киругчилар учун “Хизмат күрсатиши соҳаси иқтисодиёти”, “Бухгалтерия ҳисоби”, “Туризм: назария ва амалиёт”, “Иқтисодий таҳлил ва аудит” ва “Молия ва солиқлар” фанлари асосида тузилди.

ТУЗУВЧИЛАР:

Сафаров Б.Ш.

- СамДУ, Рақамли иқтисодиёт кафедраси мудири, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Бакаев З.Т.

- СамДУ, Рақамли иқтисодиёт кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори.

Таниев А.Б.

- СамДУ, Рақамли иқтисодиёт кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари номзоди

Дастур Инсон ресурсларини бошқариш факультетининг 2022 йил 23 июндаги № 12 сонли Кенгаш йиғилишида муҳокама қилинган ва тасдиқлашга тавсия этилган

КИРИШ

Хизмат кўрсатиш соҳасига эҳтиёж кундан-кунга, ойдан-ойга ва йилдан-йилга ошиб бормоқда. Чунки бунга объектив шароит яратилмоқда. Биринчидан, ахолининг даромадлари кўпайиб, яшаш сифатининг ортиб бораётганлиги кўпгина янги-янги хизматларни талаб қиласа, иккинчидан ишлаб чиқаришнинг такомиллашаётганлиги ҳам ушбу соҳанинг жадал ривожланишини талаб қиласи. Хизмат кўрсатиш етарли бўлмаган жойда юқори самарадорликка эришиш ҳам бир мунча қийин. Шу туфайли ушбу соҳа энг тез ривожланишини талаб қиласидаган соҳалардан бири бўлиб қолмоғи лозим.

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатларнинг ҳозирги босқичида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг миллмй иқтисодиётдаги ўрни ва роли йилдан-йилга ошиб бормоқда. Буни ушбу соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги (ЯИМ) улушининг ортиб бораётганлигига ҳам кўриш мумкин.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш ва сифатини қўтариш бўйича қилиниши лозим бўлган ишлар ҳали талайгина. Биринчидан, ушбу соҳада хўжалик юришининг бозор муносабатларига асосланган янги шароитларга мослашиш жараёни такомиллашишини талаб қиласа, иккинчидан, уни комплекс ривожлантириш билан боғлиқ кўпгина муаммолар ҳам ўз ечимини кутмокда. Учинчидан, ҳаёт шиддат билан ўзгариб бормоқдаки, улар хизматларнинг янги-янги турларини жорий қилишини тақозо қиласи. Буларнинг барчаси мазкур соҳада фундаментал тадқиқотларни олиб бориш билан бирга мутахассисларни тайёрлашда ўқув адабиётларига ҳам киритиб, мукаммал ўқитиш заруратини ҳам туғдиради.

08.00.05- Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти ихтисослигининг вазифаси хизмат кўрсатиш фаолиятининг иқтисодий моҳияти, унинг бозор иқтисодиёти шароитидаги ўрни, хизмат кўрсатиш корхоналарида хизмат кўрсатиш фаолиятининг мақсадлари, хизмат кўрсатиш фаолиятининг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги, хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш корхона ва ташкилотларининг асосий фонdlари, айланма маблағлари, хизмат кўрсатиш корхоналарида маркетинг хизматларини режалаштириш, хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, хизмат кўрсатиш соҳасида инвестиция жараёнлари, ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари, хизмат кўрсатиш соҳаси корхона ва ташкилотларининг даромадлари ва рентабеллик даражаси каби масалаларни ўрганишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалар, ўсимликлар химояси ва энтомологик жараёнларга услугубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажарад Бунда, илфор педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда билимларни ошириш ва кўникма хосил қилишдан иборатdir.

08.00.05- Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти ихтисослиги бўйича таянч докторантурага кирувчи даъвогарлар учун “Хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиёти”, “Бухгалтерия ҳисоби”, “Туризм: назария ва амалиёт”, “Иқтисодий таҳлил ва аудит” ва “Молия ва солиқлар” фанларидан саволлар базаси шакллантирилган.

Бу фанлар ўз негизида қамраб олинган маълумотлар қўйида батафсил келтирилган.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ИҚТИСОДИЁТИ **фани бўйича:**

Хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиёти фанининг назарий масалалари. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсатининг асосий йўналишлари. Хизмат кўрсатиш соҳасин ривожлантиришнинг турлари ва ўзига хос хусусиятлари. Хизмат кўрсатиш соҳасини равожлантиришнинг концептуал йўналишлари ва уларнинг кенгайтирилган ишлаб чиқариш тизимидағи ўрни. Хизмат кўрсатиш соҳасида модернизациялаш, ва диверсификациялаш жараёнларини амалга ошириш йўллари. Хизмат кўрсатиш соҳасида инновациянинг моҳияти ва турларининг назарий масалалари. Хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларнинг таснифи ва аниқланиш йўллари. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида. Синергетик самара ва ундан фойдаланиш имкониятлари. Хизмат кўрсатиш соҳасида кластер усулидан фойдаланиш имкониятлари. Хизмат кўрсатиш соҳасида рақобат ва бизнес мухити, уларнинг соҳани ривожлантиришдаги аҳамияти. Аҳолига кўрсатиладиган пулли хизматлар, уларнинг турлари, моҳияти ва ҳисобга олиш йўллари. Аҳолига кўрсатиладиган уй-жой, коммунал ва майший хизматлар, уларни ҳисобга олиш тартиблари. Йўловчи ташиб транспорти хизматлари, уларнинг аҳамияти, турлари ва ҳисобга олиш йўллари. Алоқа, ахборотлаштириш ва таълим тизими хизматлари мазмуни ҳамда уларни ҳисобга олиш йўллари. Маданий, майиший ва сайёҳлик-экскурсия хизматлари турлари, уларнинг мазмуни ва ҳисобга олиш йўллари. Соғлиқни сақлаш (тиббий), санатория-курорт, соғломлаштириш, жисмоний маданият ва спорт хизматлари хизматларининг турлари, мазмуни ҳамда уларни ҳисобга олиш йўллари.

ТУРИЗМ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ **фани бўйича:**

«Туризм: назария ва амалиёт» фанига кириш. Хорижий туризм бозорини ривожлантириш тенденциялари. Саёҳатчи ва турист ҳақидаги тушунчаларнинг моҳияти. Туризм соҳасининг таснифланиши ва турлари. Туризм соҳасининг ресурслари. Туризм соҳасини ривожлантиришда Ўзбекистондаги тарихий шаҳарларнинг аҳамияти. Туризм соҳасидаги хизматлар ва маҳсулотлар. Туризм соҳасида жойлаштириш хизматлари. Туризм соҳасида овқатлантириш хизматлари. Туризм соҳасида транспорт

хизматлари. Гид-экскурсия хизматларини амалга ошириш жараёнлари. Туризм турларини ишлаб чиқиш технологияси. Туризм индустрияси ва инфратузилмаси. Экологик туризмни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари. Гастрономия туризмини ривожлантириш истиқболлари. Хорижда қишлоқ туризмини ривожлантириш тажрибаси. Туризм соҳасини бошқаришнинг ташкилий тузилмаси ва маркетинги. Ўзбекистонда халқаро туризм ташкилотларнинг ўрни. Туризм соҳасини давлат томонидан бошқариш йўналишлари. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантириш истиқболлари. Туризм хизматларини лицензиялаштириш, сертификатлаштириш ва стандартлаштириш. Туризм соҳасида халқаро ҳукуқий ва меъёрий хужжатлар.

ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ ФАНИ БЎЙИЧА фани бўйича:

Иқтисодий таҳлилнинг ривожланиш тарихи ва фан сифатида шаклланиши. Иқтисодий таҳлилнинг предмети, вазифалари ва мазмуни. Иқтисодий таҳлилнинг методи ва унда қўлланиладиган анъанавий усуллар. Иқтисодий таҳлилнинг турлари, ахборот манбалари ва иқтисодий таҳлил ишларини ташкил этиш. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш усуллари. Корхоналар молиявий фаолиятини таҳкил қилиш усуллари. Аудитнинг моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятининг ҳукуқий асослари. Аудиторлик текширувининг турлари ва шакллари. Аудиторлик текширишни режалаштириш. Аудиторлик текширувининг якуний босқичи.

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ФАНИ БЎЙИЧА фани бўйича:

Бухгалтерия ҳисоби фанининг предмети ва усуллари. Бухгалтерия баланси, счётлар тизими ва икки ёқлама ёзув. Пул маблағлари ва ҳисобкитоблар ҳисоби. Асосий воситалар, номоддий активлар ва материаллар ҳисоби. Мехнат ва унга ҳақ тўлаш ҳисоби. Маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи ҳисоби. Тайёр маҳсулот ва унинг сотилишини, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисобга олиш. Капитал фонdlар ва молиявий натижалар ҳисоби. Ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш.

МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР ФАНИ БЎЙИЧА фани бўйича:

Молия ва давлатнинг вужудга келиши, унинг ресурсларга бўлган эҳтиёжининг ривожланиши. Товар-пул, тақсимлаш, қайта тақсимлаш муносабатлари ва молия. Молиянинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, тараққиёт қонуниятлари, товар-пул муносабатларининг қамраб олиш соҳаси ва ижтимоий тақрор ишлаб чиқаришдаги роли жамиятнинг иқтисодий тузуми, давлатнинг табиати ва функциялари билан белгиланиши. Молиянинг

ижтимоий-иктисодий моҳиятини ифодаловчи таъриф. Молия ва молиявий муносабатларнинг характерли белгилари. Молия ёрдамида ифодаланадиган пул муносабатлари. Замонавий иқтисодиёт ва давлат молияси. Молия ва ишлаб чиқариш кучлари тараққиётининг даражаси. Молия ва кредит. Молия ва иш ҳақи. Молия ва солик. Уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари. Молиянинг тақсимлаш ва назорат функциялари. Уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Молия тизимининг соҳалари ва бўғинлари. Молия тизимининг таърифи. Молия тизимининг соҳалари ва бўғинлари. Давлат молияси ва маҳаллий молия ҳамда хўжалик юритувчи субектлар молиясининг бўғинлари. Молия тизимининг ҳар бир соҳаси ва бўғинига пул фондлари ва даромадларини шакллантириш ва улардан фойдала-нишнинг ўзига хос бўлган шакллари ва методларининг тегишли эканлиги. Молиявий бошқарувнинг мазмун-моҳияти. Молиявий бошқарувнинг бошқариладиган (обектлар) ва бошқарувчи (субектлар) тизимлар ягоналигидан иборатлиги. Молиявий бошқарувнинг асосий методологик принциплари, конкрет методлари ва шакллари. Молиявий режалаштириш; башоратлаш (прогнозлаштириш); дастурлаштириш; молиявий тартибга солиш; молиявий назорат; молиявий қонунларни (қонунчиликни) қабул қилиш; молиявий ресурсларни жалб қилиш. Молиявий бошқарув органлари ва уларнинг вазифалари. Молия тизимини умумий бошқариш ва уни амалга оширувчи органлар. Молиявий режалаштириш ва башоратлаш. Ҳар қандай соци-алиқтисодий жараёнларни бошқариш тизимининг асосий босқичларидан бири режалаштириш эканлиги. Унинг истиқболга йўналти-рилган қарорларни қабул қилиш бўйича фаолият деб талқин қилиниши. Молиявий режалаштиришнинг таърифи. Молиявий режалаштириш ва молиявий режа. Молиявий режалаштиришнинг ҳаракат этиш доираси. Унинг асосий вазифалари. Молиявий режалаштириш амалиётида қўлланиладиган асосий методлар. Молиявий режалаштириш жараёнининг асосий босқичлари. Молиявий режалаштириш турлари: стратегик молиявий режалаштириш; жорий молиявий режалаштириш, Молиявий назорат: мазмуни, соҳалари, обекти, предмети, тизими, вазифалари, принциплари. Молиявий назоратнинг предметини ифодаловчи молиявий кўрсаткичлар. Молиявий назорат молия функцияларининг амалга оширилиш шакли эканлиги. Молиявий назорат соҳалари: давлат молиявий назорати; нодавлат молиявий назорати. Молиявий назорат ўз ичига олувчи текширувлар. Молиявий назорат тизимининг бир типлилиги ва унинг элементлари. Молиявий назоратнинг олдида турган энг асосий вазифалар. Молиявий назоратнинг амалий характер касб этувчи принциплари: натижалилик; назоратчилар томонидан талаб қилинадиган талабларнинг аниқлиги ва мантиқийлиги; назорат субектларининг сотиб олувчанмаслиги; текшириш ва тафтиш актларида келтирилган маълумотларнинг асосланганлиги ва исботланганлиги; превентивлик (молиявий бузилмалар эҳтимолининг огоҳлантирилувчанлиги); молиявий жиноятлар бўйича шубҳаланилаётган шахсларнинг айбсизлик (судгача) презумпцияси; турили назорат органлари фаолиятларининг мувофиқлаштирувчанлиги; ва б.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. А.Таниев, F.Порсаев. Интернет маркетинг СамДУ, Дарслик 2020й.
2. А.Таниев Инноватсион иқтисодиёт СамДУ, Дарслик 2020-йил
3. Б. Сафаров, F.Порсаев, Д.Усманова “Рақамли иқтисодиёт асослари” СамДУ, Дарслик 2020й.
4. Ҳискерсон. Бусинесс анд Информатион Системс 3/е. Н. Й.: Жоҳн Вилем & Сонс, 2000.
5. Лаудон К. С., Лаудон Ж. П. Эссентиалс оғ Манагемент информатион системс: организацион анд течнологий. Нью Жерсей: Прентисе Ҳалл, 2000.
6. Меасуринг тҳе Информатион Сосиетӣ Репорт. Волуме 1. – Генева: ИТУ, 2017. – 156 п.
7. Меасуринг тҳе Информатион Сосиетӣ Репорт. Волуме 2: ИСТ соунтрӣ профилес. – Генева: ИТУ, 2017. – 252 п.
8. Тҳе Глобал Информатион Течнологий Репорт 2016: Инноватинг ин тҳе Дигитал эсономӣ / Силжа Баллер, Соумитра Дутта, Бруно Ланвин. – Генева: Сорнелл Университӣ, ИНСЕАД, ВЕФ, 2017. – 463 п.
9. Тҳе Глобал Инноватион Индех 2018: энергизинг тҳе Ворлд шитҳ Инноватион / эдиторс: С. Дутта, Ф. Гуррӣ, Б. Ланвин. – Генева: Сорнелл Университӣ, ИНСЕАД, ВИПО, 2018. – 430 п.
10. Ралпҳ М. Стайд, Георге W. Рейнолдс, Принциплес оғ Информатион Системс. А Материал Аппроач – Нинтҳ эдитион. -2010 Соурсе Течнологий, Сенгаге Леарнинг.
11. Исаев Г.Н. Информационные системы в экономике: Учебник для студентов вузов. – М.: Омега-Л, 20112. – 462 с.
12. Ковалев, М.М. цифровая экономика – шанс для Беларуси / М.М.
13. Ковалев, Г.Г. Головенчик. – Минск: Изд. центр БГУ, 2018. – 328 с.
14. Основы цифровой экономики: учебное пособие / коллектив авторов; под ред. М.И. Столбова, Э.А. Брендлевой. – М.: Научная библиотека, 2018. – 238 с.
15. Стрелетс, И.А. Сетевая экономика и сетевые рынки: учеб. пособие / И.А.Стрелетс. – М: эксмо, 2006. – 208 с.
16. Акбарова З. Товар ва хизматлар бозори статистикаси. Ўқув қўлланма. Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004. – 144 б.
17. Абулқосимов X. ва бош. Эркин иқтисодиёт тамойиллари. Т.: “Академия”, 2005. -52 б.
18. Абдуллаев Ё.А. Бозор иқтисодиёти асослари: 100 савол ва жавоб. - Мехнат, 1997.

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТАЯНЧ
ДОКТОРАНТУРА ИХТИСОСЛИКЛАРИГА КИРИШ СИНОВЛАРИ
УЧУН МАХСУС ФАНЛАРДАН Даъвогарларнинг
БИЛИМЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

Синов топшириш шакли	Ёзма
Ажратилган вақт	120 дақиқа
Саволлар сони	5
Ҳар бир савол учун белгиланган балл	20
Максимал балл	100
Ўтиш бали	55

Рақамли иқтисодиёт
кафедраси мудири

доц. З.Т.Бакаев

Инсон ресурсларини бошқариш
факултет декани

доц. Ш.Д. Джуракулов

